



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (11.851)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Халқаро транспорт ҳуқуқи нормаларини қўллаш соҳасида илмий-амалий тажриба алмашиш, шунингдек, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида «Ўзбекистонда халқаро транспорт ҳуқуқи: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ўқув семинари ўтказилди.

• Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги қошида кунига 2 тонна сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳани молиялаштиришга банкнинг 115 миллион сўмлик кредити ҳамда хўжалиkning ўз маблағидан фойдаланилди. Ҳозир мазкур корхонада 6 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга етказиб берилмоқда.

• Навоий шаҳрида «Моҳинур» маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни ишга туширишда тadbirkор Бахтиёр Жумаев банкнинг 50 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланди. Ўн икки киши ишга жойлашган мажмуада тиқувчилик цехи, матбаачилик хизмати, сартарошхона каби ўнга яқин хизмат кўрсатиш шохбчалари фаолият юритмоқда.

• «Бухороэнергомарказ» ОАЖ раҳбари Фазлиддин Атоев Европа ишбилармонлари ассамблеяси томонидан «Пальмира Юлдузи» халқаро мукофотига лойиқ топилди. Ҳамюртимиз шу йилнинг март ойида муқобил энергиядан фойдаланиш, илгор технологияларни жорий этиш масалаларига бағишлаб Лондонда бўлиб ўтадиган «Энергетика саммити – 2011» халқаро анжуманига ҳам таклиф этилди.

• Ургут туманида лойиҳа қиймати 20,1 минг АҚШ долларилек «Чашма асал шифо» фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлади. Натижада бу ерда йилга 1 тоннадан зиёд асал етиштириш имконияти пайдо бўлди.

• Хива шаҳридаги 12-футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат қошидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 480 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Ирландияда навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтади.

• Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик юзасидан тўртта ҳужжат имзоланди.

• Кеча АҚШнинг «Дискавери» шатли коинотга парвоз қилди. Кеманинг ўн нафар астронавти Халқаро космик станцияга асбоб-анжомлар ва турли юкларни етказиб, 11 кун давомида техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади.

• АҚШ президенти Барак Обама мамлакат иқтисодиёти олдида турган энг жиддий муаммо ишсизлик даражаси эканлигини таъкидлади.

• Ўтган йилнинг декабрь ойида жаҳон бўйича савдо ҳажми 15,1 фоизга ортган. Шу орқали инкирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичларга тенглашилди. Мутахассислар жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозни орқали юзага келган ноҳуш ҳолат аста-секин яхши томонга ўзгариб бораётганини юқоридаги мисолга асосланиб изоҳлашмоқда.

• Плесецк космодромидан парвоз қилиши режалаштирилган Россиянинг янги авлодга мансуб «ГЛОНАСС-К» космик кемасининг учуши 26 февралга қолдирилди.

• Кеча Ироқнинг Ар-Рамади шаҳрида юқори мартабали шахсга нисбатан уюштирилган суиқасд натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида рўй берган кучли zilзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 115 нафарга, жароҳатланганлар эса 2500 нафарга етди. Бундан ташқари, 300 га яқин киши бедарак йўқолган. Айни пайтда кутқарувчилар вайроналар остида қолиб кетган одамларни излашда давом этмоқда. Шаҳарда комендантлик соати жорий этилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси юртимиз таълим тизимининг барча бўғинларида кенг ўрганилмоқда.

КОНЦЕПЦИЯ ПУХТА ЎРГАНИЛМОҚДА

Концепцияда белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёш авлод онига етказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларга нисбатан уларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш масалалари Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида бўлиб ўтган анжуманда атрофлича маълум қилинди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тadbirkорлик юртимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари, таълим тизими раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунослар ва маънавият тарғибчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Концепция мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Концепциянинг мазмун-моҳияти таълим муассасаларида, маҳалларда, корхона ва ташкилотларда атрофлича ўрганилаётди.

– Концепция гоъларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши мамлакатимизни равақ топтиришида, жаҳоннинг энг илгор давлатлари сафидан жой олишида муҳим аҳамият касб этади, – дейди Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби директори Санобар Хўжамуродова. – Мактабимиз ўқувчилари мазкур Концепцияни махсус факультатив ўқув дарсларида, шунингдек, «Миллий истиқлол гоъяси ва маънавият асослари», ҳуқуқшунослик каби фанлар асосида кунт билан ўрганилмоқда.

Анжуманда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари юзасидан педагог кадрлар касб малакаси ва маҳоратини янада ошириш, билимини бойитиш, бунда илгор таълим технологиялари ва услубларидан кенг фойдаланишга оид маърузалар тингланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 217-умумий ўрта таълим мактабида ҳам давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция маъно-мазмунини ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда шаҳар халқ таълими тизими раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар, турли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мазкур мактаб директори Умида Орипованинг таъкидлашича, ушбу таълим масканида Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича белгиланган олти устувор йўналиш мазмун-моҳияти ёшларга амалий мисоллар, интерфаол тарзда кенг тушунтирилмоқда. Бу борада ҳуқуқшунослар, сиёсий партиялар вакиллари, маънавият тарғибчилари билан ташкил этилаётган учрашувлар алоҳида аҳамият касб этаётди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – КАДАСТР ХИЗМАТИГА

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг изчил ривожланиши ва барча соҳаларда кенг қўлланилиши иқтисодиётимизнинг рақобатдорлигини ошириш ҳамда жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ҳамда «2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» дастурлари иқтисодий ривожланиш ва халқимиз фаровонлигини янада ошириш борасидаги кенг кўламли ишларда муҳим дастурлашма бўлаётди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг ривожланиши инвестициялар жалб қилиш, янги иш жойлари ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва бошқарувида илгор технологияларни илгари суришни осонлаштириб, ахборот алмасувида, битимлар тузишда сарф-харажатларни қисқартиришнинг асосий воситасидир. Ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланиш имконияти бошқарувнинг турли жабҳаларида, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларида фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр») томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ердан самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, давлат кадастрлари янада тизимини яратиш тadbirkорларида соҳага ахборот-коммуникация ва геоахборот технология-

лари, интерфаол давлат хизматлари босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Ер иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий восита ва манбадир. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш – юртимиз ободлиги ва дастурхонимиз тўқинлиги асоси. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва давлат кадастрларини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

– Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши маъмурий ҳудудларнинг сифат жиҳатидан янги, барча табиий ресурслар ва хўжалик объектларига оид баҳолаш ахборотини тайёрлашни талаб қилади, – дейди «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев. – Бундай ахборотлар ҳудудларни бошқариш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишига муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис қўмитамиз умумхалқ мулки бўлган ерни химоялаш ва ундан оқилона фойдаланишни тартибга солиб, Давлат кадастрлари янада тизимини юритади. Тўпланган, тизимлаштирилган ва доимий янгиланган туридан, тегишли ҳудудларда жойлашган табиий ресурслар ҳамда кўчмас мулкнинг миқдор ва сифат тавсифларини ўз ичига олувчи маълумотлар мажмуаси Давлат кадастрлари янада тизимининг асосини ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Ҳусейнов (ЎЗА) олган сурат

«GREEN WORLD»НИНГ ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили, деб эълон қилинган тadbirkорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш ва муваффақиятли бизнес юритиш учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Бу хориждаги иш одамларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Буни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган АҚШ компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда ушбу мамлакат билан ҳамкорликда ташкил этилган 240 дан зиёд кўшма корхона фаолият юритаётди.

Пойтахтимиздаги «Green World» Ўзбекистон-АҚШ-Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай савдо-саноат муассасаларидан.

Ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаган «Green World» қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли мева шараблари, мураббо, шинни ва консервланган тузлама маҳсулотлари тайёрланади. Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологияларни қўлланилади. Бу ерда бежирим қадокланаётган мева шараблари юқори сифати, хуштамиллиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Корхона томонидан амалга оширилган сўнги янгиликлардан бири – «Бонус» шарабларининг ишлаб чиқарилаётганидир. Ушбу янги шарабнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг таркибида шифобахш эхинация ўсимлиги экстракти мавжуд. Бундай шараблар инсон иммунитетини оширишга, турли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Витаминларга бой «Бонус» шараблари асосан ёш болалар ва аёллар учун мўлжалланган.

«Green World»да олтишга яқин киши меҳнат қилади. Ишчилар

учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун махсус амалий таълим курслари ташкил қилинган.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати катта эътибор қаратилади, – дейди қўшма корхона директори Асқар Исмоилов. – Улар барча зарур сертификатларга эга бўлиб, ISO 9001:2000 халқаро стандартларига мос. Етмиш турдаги маҳсулотимиз Европа мамлакатлари, Жанубий Корея, Россия, Туркменистон, Қозғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларимиз юртимизда ва хорижда ўтказилган кўплаб танловларда совринли уринларни эгаллаган. Мамлакатимизда тadbirkорларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бизнинг асосий мақсадимиз ана шу қўлай имкониятлардан унумли фойдаланиб, сифати халқаро талабларга мос маҳсулотларимиз экспортини янада оширишдан иборат.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани учун корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. Бу ерда 2010 йилда 9,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 11 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Юртимизда яратилган қўлай сармоявий муҳит, қонун билан қамроланган преференциялар чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетиде «Талаба-ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва саводхонлиқни юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқ-тартибот ишларини янада яхшилаш» мавзусида шаҳар прокуратураси ходимлари иштирокида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **БУГУН** Чилонзор туманидаги 178-мактабда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги муносабати билан Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзусида мактаб ўқувчилари ўртасида дeвoрий газеталар танлови ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Уйғониш» маҳалласида Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тadbirkор «Репродуктив саломатлик, соғлом она – соғлом бола» мавзусига бағишланди.

Дам олиш соатларида

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Тўғри овқатланиш – соғлиғимиз гарови

Тиббиёт фанлари номзоди
Муҳаммаджон Миршарипов маслаҳатлари.

Баҳор яқинлашяпти – ҳадемай ҳамма ёқда кўкман нафаси кеза бошлайди.

Учун ҳам инсон организми учун зарур бўлган витаминлар ва микроэлементлардан маҳрум биргина парҳезинг ўзи тескари таъсир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хар бир одамнинг ўзи алоҳида бир дунё ва шунга муносиб равишда ортинга вазнинг келиб чиқиш сабаблари кета бошлаганда кўнглингиз гаш бўлиши аниқ, Миангизда ягона бир ўй-фикр: илжои борица тезроқ олиш ҳаёли чарх ура бошлайди.

Ҳар бир одамнинг ўзи алоҳида бир дунё ва шунга муносиб равишда ортинга вазнинг келиб чиқиш сабаблари кета бошлаганда кўнглингиз гаш бўлиши аниқ, Миангизда ягона бир ўй-фикр: илжои борица тезроқ олиш ҳаёли чарх ура бошлайди.

Ҳар бир одамнинг ўзи алоҳида бир дунё ва шунга муносиб равишда ортинга вазнинг келиб чиқиш сабаблари кета бошлаганда кўнглингиз гаш бўлиши аниқ, Миангизда ягона бир ўй-фикр: илжои борица тезроқ олиш ҳаёли чарх ура бошлайди.

Учингизни ва ўз танангизни яхши кўрсангиз, унга қулқ солинг, шунда сиз доимо одамларнинг диққат марказида бўласиз.

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси «Она ва бола» дастури доирасида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Тиббиёт

КОРЕЯЛИК ШИФОКОРЛАР ҲИММАТИ

Ўзаро келишув бўйича жамғарма ҳузурида шифобахш марказ ташкил этилди.

да ташхис қўйиш ва даволаш каби жараёнлар амалга оширилмоқда.

Кунлардан бир кун

Америкалик бир раққоса машҳур инглиз адаби Бернард Шоунинг ўттири ақлига ўзининг келишган қоматини тенг бил...

Бир чимдим кулги

Болақай руҳшунос ҳузурида:
- Карлсондан жуда кўрқаман.
- Нега энди?
- У учиб келиб, ҳамма ширинликларни еб, уйинчоқларини бузиб ташлаб, кейин учиб кетади. Ҳамма балога эса мен қолман.



Футбол хангомалари

Учрашув охирига етмади

Туркиянинг «Галатасарой» ва «Фенербахче» ўсмирлар жамоалари ўртасидаги учрашув майдонда юз берган муштлашиш туфайли охирига етмай қолди.

Қарор қатъий

Европа футбол ассоциациялари уюшмаси (УЕФА) украинлик ҳакам Олег Ореховга умири давомда футбол билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишни бутунлай тақиқлади.

Уттан йил февралда Орехов 30 кунга ешдан четлаштирилганди. Кейин эса, вақтинчалик дисквалификация умрбод қилинганди.



Ечилмаган жумбоқлар

Сайёрамизнинг энг сирли кишилари

Саҳифамизнинг олдинги сонларидан бирида олимлар изохлашга ожиз бўлган ноёб қобилият эгалари ҳақида ҳикоя қилгандик.

Хиндистоннинг Ассам штатида истиқомат қилувчи 28 яшар Димбесвар бир неча соат давомда ҳатто киприк қоқмай куёшга бе...

Бир чимдим кулги

Авиаҳалокат туфайли бир киши океан ўртасидаги оролга тушиб қолиб, уни ваҳийлар тутиб олиб, ейишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Тижорат хабарлари ва эълонлар

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этилди!

I. Аукцион савдосига Олмасор тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 04.03.2010 йилдаги 2-036/10-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Олмасор тумани, Себзор даҳаси, 59-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м., 2 та яшаш хонаси майдони 36,32 кв.м. бўлган 16-хонадон кўйилмоқда.

III. Шунингдек, 2011 йил 22 март кuni соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар кўйилмоқда: - Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси «Файзиобод» божхона масканига сакланаётган, ижро ҳужжати 02.04.2010й, №1-152/10; 1. «BMW-525» русумли, д/р V045XDM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи

Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи маъмурияти коллежининг ошхонасида «Соғлом овқатланишни ташкил этиш» бўйича тендер эълон қилади.

Ташкил Тиббиёт академиясининг ректорати, стоматология факультети жамоаси академиянинг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ходими Гавҳар Эркиновна Ариповга онаси

Ташкил Тиббиёт академиясининг ректорати, стоматология факультети жамоаси академиянинг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ходими Гавҳар Эркиновна Ариповга онаси

Джамия Аҳмеджанова ЗУФАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ташкил Тиббиёт академиясининг ректорати, стоматология факультети жамоаси академиянинг ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси ходими Гавҳар Эркиновна Ариповга онаси

ЮРТИМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

Миллий матбуот марказида юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, таниқли спортчилар иштирокида «Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг «Ёшлар қаноти» бўлими ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, юртимиздаги таниқли спорт усталари, спорт шарҳловчилари ва партия фаоллари иштирок этди.

Танловлар

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ОЛИМПИАДА» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-гайратини тўла намоеън этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш йўлида хизмат қилмоқда.

Хусусан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан халқ таълими, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда 69-умумтаълим мактабида ёшларнинг интеллектуал фаоллиги ва салоҳиятини ошириш, билим эгаллашларига бўлган интилишини кучайтириш, ёш истеъдод эгалларининг ижодий, илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ўз она Ватанининг тарихини мукаммал ўрганган, билимдон фарзандлар қилиб тарбиялаш, уларнинг халқимиз ўтмиши, ўзбек давлатчилиги заминларини англаб етишларига кўмаклашиш, тарихимиз тўғрисидаги билимларни тўғри шакллантириш мақсадида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилди.

Танловнинг туман босқичида жамоалар ўртасидаги мurosасис ўтган баҳсда 216-мактабнинг «Темурийлар» жамоаси голиб бўлди ва беллашувнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тадбир кўтаринки руҳда, савол-жавобларга бой тарзда ўтгани билан ўқитувчилар, айниқса ёшларда катта таассурот қолдирди.

Қаҳрамон МАУЛЕНОВ, «Камолот» ЁИХ Ҳамза тумани «Камалак» болалар ташкилоти раиси

фаолиятини замон талаблари даражасида олиб бораётганлиги миллий чемпионатимизнинг нуфузи ошиши ва терма жамоалар ўйинининг кучайишига имкон яратмоқда.

Хусусан, Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар жамоасининг жаҳон футболдаги юксак маъқеи, ногирон-ампутант футболчиларимизнинг кетма-кет икки мартаба чемпионликка сазовор бўлгани, яқинда Қатарда яқунланган Осиё кубогига футболчиларимиз қитъамиздаги энг кучли тўрт терма жамоа сафидан жой олгани мамлакатимизда ушбу спорт турига қаратаётган катта эътибор ва қизиқишнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан «Ўзбек спорт журналистларининг маҳорати: кеча ва бугун», «Ёш футболчиларимиз муваффақиятлари», «Спорт-баркамоллик сари етаклар», «Ўзбек футболнинг эртаси» мавзуларида маърузалар тингланди.

Азима КИЁСОВА, «Туркестон-пресс»



Келажагинг порлоқ бўлсин, фарзандим асал қандим.

Спорт турлари орасида гандболнинг болалар ва ўсмирлар ўртасида жадаллик билан оммалашиб бораётганлиги мутасаддилардан унинг ривожига янада жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Яккасарой туманидаги 5-болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби замонавий тарзда қайта бунёд этилганлиги ва унда тахсил олаётган болалар учун барча шароитлар муҳайё қилинганлиги мураббийлару ўқувчиларга катта қулайликлар яратди. Юқорида таъкидланганидек, гандбол болалар учун ҳам, катталар учун ҳам эңчиллигига қараб, тезкорлигига зукколикни талаб этади. Шу боисми, ўқув масканида гандбол ривожига катта эътибор қаратиляпти. Чунки кейинги йилларда мамлакатимиз ёш гандболчиларининг халқаро турнирларда эришяётган муваффақиятлари ушбу спорт ривожига профессионал тарзда эътибор кўрсатишни талаб қилмоқда.

Ўқув масканида 13-14, 15-16, 17-18 ёшли болалар ва ўсмирлар учун ўқув турлари ташкил этилган. Гарчи спорт мактабимиз Яккасарой туманида жойлашган бўлсада, Ҳамза туманидаги 170, 204-мактаблар, Сергели туманидаги 2,6,8-мактаб-

лар ҳамда Чилонзор туманидаги 200-мактабда ҳам мураббийларимиз томонидан гандбол бўйича мунтазам равишда ўқув машғулоти ўтказилаяпти. Бу дегани юқорида номлари келтирилган туманларда яшовчи фарзандларимиз орасида ҳам гандболга қизиқиш катта. Шу йилда спорт мактабимизнинг бошланғич синфлар ўқувчилари учун гандбол назарияси-дан сабоқ берилса, ҳақиқий тарздаги ўқув-йигин машғулотларини фарзандларимиз 5-синфдан бошлашади.

Яқиндагина Яккасарой туманидаги 319-мактабда ҳам гандбол бўйича махсус синф ташкил этилди. Албатта бу каби кенг қўламли фаолиятни амалга оширишда спорт мактабимизнинг 21 нафар мураббийларининг хизматлари жуда катта. Бу мутахассислар олий тоифали мураббийлардир.

Дарвоқе, мактабимиз Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганлигини айтиш ўринли. Шу туфайли ҳам

талабалар гандбол бўйича амалий машғулотларни бизнинг спорт мактабимизда ўтади. Айни кунларда амалиётга қатнашяётганлардан Жасур Абдуллаев, Виктор Зернов, Рустам Ҳамроев ва Раҳимжон Ҳамроев келажақда малакали мураббий бўлишига умид қиламиз.

Хуллас, ана шу саёй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда гандбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси таркибининг ўзагини мактабимиз ўқувчилари ташкил этаётганлигини фахр билан айта оламиз. Ниятим, мамлакатимизнинг ҳар бир худудидида, ҳар бир туманида имкон қадар гандбол спортни сирлари ёшларга, келажагимиз ворислари — фарзандларимизга пухта ўргатилса, аминманки, Ўзбекистон терма жамоаси яқин келажақда ушбу спорт тури бўйича нафақат қитъада, балки кўрраи заминда ҳам етакчи жамоалардан бирига айланади.

Юрий КУЛИКОВ, 5-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида муайтаниннг Жаҳон муайтай федерацияси (WMF) йўналиши бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари пойтахтимиз вакиллари омад келтирди.

Катталар ўртасида ташкил этилган беллашувларда ҳам пойтахтликлардан Ойбек Тошхўжаев, Шоҳрух Мавлонов, Аббос Бердиев, Камол Турсуновларга голиблик насиб этган бўлса, самарқандлик Бобур Тағиев, Зафар Жумаев, Мавлуд Тифиев, Акмал Жалилов, Фирдавс Фахриддинов, Ақром Шарипов, Ил-

ҳом Жалолов ва жиззахлик Зариф Зоиров ҳам олтин нишонлар билан тақдирланди.

Маълумки, март ойида Таиландда муайтай бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Муайтай бўйича ташкил этилган мамлакат биринчилиги жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади.

Испаниянинг Марбеле шаҳрида янги мавсумга ҳозирлик кўраётган Владикавказнинг «Алания» жамоаси кунги кеча Литваниннг «Экранас» клуби билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашди.

БИКМАЕВ ИСПАНИЯДА

Қувонарлиси, 4:0 ҳисобида «Алания»нинг ғалабаси билан яқунланган беллашувнинг дастлабки голини терма жамоамиз аъзоси Марат Бикмаев рақиб дарвозасига киритди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ОДАМИЙЛИК

Зару жавоҳирнинг қадри одам била

Камтарлик — одамайликнинг сал матлиги.

Одамайлик — юритилган фикр билан ўлчанади.

Ҳар бир одамнинг қадри — одамга чилигига боғлиқ.

Ўртоқнинг кўнгли — чертишимиз қараб овоз чиқаради.

Яхши одам — виждонининг кули эркининг хўжасидир.

Одамнинг қароғи — кичкина бўлса, унга бутун уфқ сиғади.

Камтарлик, мардлик, ҳақиқатгўйлик ва сахийлик — одамайликнинг оли фазилатларидурлар.

Одамда инсоф бўлса, имони баркордордир.

Одамнинг шаклланиши — муҳит боғлиқ.

Ҳақиқатчига эргашган — камол тапади.

Ўзидан ожиз одамни паноҳ қили юрувчи — аста-секин орқада қолади.

Ҳар бир одам ўзининг кимлигин билса, бошқаларни ҳам тўғри таъриқлайди.

Меҳрли ва иродали одам доимо азиздир.

Одам одамлар орасида ўзининг кимлигини танийди.

Одамгарчилиги йўқ киши — тириклик гийдаёқ ўзини ўзи кўмади.

Ҳар бир одам — кимгадир гулу, кимгадир тикан.

Ҳаммининг ҳам ўзига яраша сояқ бор.

Ҳамоҳанг кўнглини бирданига топи қийин.

Дунёни обод қилувчи ҳам, вайрон қилувчи ҳам инсондир.

Садоқат ва вафо — одамайликдир.

Моддий ёрдамдан маънавий ёрдамафзал.

Қараш бошқа, кўриш бошқа. (Давоми бор)

Weather forecast section with icons for sun, clouds, and rain, and text: 'Узғиромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 26 февраль кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнгиғарчилик бўлмади. Эрталаб ва кечаси туман тушади. Фардан шимол томон секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 3-5 даража совуқ бўлади. Республика худуди бўйича 26 февраль кунги ҳаво ўзгариб туради, ёнгиғарчилик бўлмади. Айрим жойларга туман тушади. Қор қўчиши эҳмоли бор. Фардан секундида 7-12 метр, айр жойларда — 15-20 мм тезликда шимол эса. Ҳарорат кечаси — 13-кундузи — 5-10 даража со бўлади. Узғирометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, февраль кунги эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шимолнинг бироз тарқалиб келишига имконият яратади. Матмосфернинг инфляцияси да жасаси 1-3 фоз пасайиши тмин қилинмоқда, тағмиқдист паст бўлади.'

Ёш йигит-қизларнинг ақл-заковати, куч-гайратини тўла намоеън этиши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Фестиваллар

АҚЛ-ЗАКОВАТ БЕЛЛАШУВИ

Кунги кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 67-мактабда ёшларнинг интеллектуал фаоллигини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб қилиш мақсадида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида шахмат фестивали ўтказилди. Тадбирда туманда жойлашган ўрта махсус ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларининг 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлари бир-бирлари билан куч синашдилар.

Ақл-заковат беллашувида 100 нафардан ортиқ ёшлар қатнашиб билим ва маҳоратларини намоеън этиб, ўз имкониятларини ҳам баҳолашга муваффақ бўлдилар. Юқори савияда ташкиллаштирилган тадбир барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Моҳир ҚАҲРАМОҶОВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази, Муайтай ассоциацияси ҳамкорликларида ташкил этилган мамлакат биринчилигида 130 нафардан зиёд спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда ҳамшаҳарларимиз Аъзам Қодиров, Улуғбек Қосимов, Азиз Болтаев, Шариф Зиев, Жасур Фафуровлар билан бирга самарқандлик Ёқуб Ашуров, Анвар Шамсиев, Сафарали Азимов, Фирдавс Сувонов, Шўрат Қорабоев, жиззахлик Фаррух Имомов, андижонлик Абубакир Қаҳҳоржоновлар голиб ва совриндор бўлишди.

БАҚОЕВНИНГ ЯНГИ ЖАМОАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилаётган моҳир ҳужумчи Улуғбек Бақоев «Насаф» клуби таркибига қўшилган эди.

Аммо, жорий йилги мавсумни Улуғбек Қозоғистоннинг «Жетису» жамоаси сафида ўтказадиган кўринади. Чунки айни кунларда Туркияда ўқув-йигин машғулотларини ўтказаятган «Насаф» ва «Жетису» жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Улуғбек Бақоев эса «Жетису» шарафини ҳимоя қилди.

Advertisement for Akmal Akromov, head editor of the newspaper, including contact information: Manzilimiz: 100029, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchi, 32.

Advertisement for the newspaper 'Oz-Oz Urgani', including phone numbers, address, and subscription information.

Advertisement for a company providing services, including contact information and a list of services.